

6-1-2018

THE ROLE OF INVESTMENTS AT IMPROVING INNOVATIVE ECONOMYIN THE CONDITION OF GLOBALIZATION

Z. Saydakhmedova

Tashkent Financial institute

D. Akhmedova

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Saydakhmedova, Z. and Akhmedova, D. (2018) "THE ROLE OF INVESTMENTS AT IMPROVING INNOVATIVE ECONOMYIN THE CONDITION OF GLOBALIZATION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 42.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/42>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Сайдахмедова З. Д.- ТМИ,
катта ўқитувчи
Ахмедова Д.Х.- ТМИ,
катта ўқитувчи

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Мақолада глобаллашув шароитда инновацион иқтисодий ривожлантиришнинг аҳамияти, инвестицияларнинг ўрни, инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг хориж тажрибаси ёритилган.

Калит сўзлар: инновация, инвестиция, модернизация, инновацион фаоллик, инновацион тадбиркорлик.

В статье рассматривается инновационное развитие экономики в условиях глобализации, роль инвестиций и зарубежная практика финансирования инновационной деятельности.

Ключевые слова: инновация, инвестиция, модернизация, инновационная активность, инновационное предпринимательство.

The article discusses the innovative development of the economy in the context of globalization, the role of investment and foreign practice of financing innovation.

Keywords: innovation, investment, modernisation, innovative activity, innovative entrepreneurship.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий - иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар шуни англатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг ўрни каттадир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ислохотларни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларининг назарий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришнинг глобаллашувида иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги, аҳолининг иш билан бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи

тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган¹.

Янги билим ва технологияларни яратиш ва улардан давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида фойдаланиш мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва ролини, миллий хавфсизликни таъминлаш даражасини белгилаб беради. Ривожланган давлатларда ЯИМ ўсишининг 80-95 %и техника ва технологияларга киритилган янги билимлар ҳиссасига тўғри келади, яъни иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиёт ривожланмоқда. Бугунги кунда инновация соҳасида катта тажриба ва ютуқларга эришган ривожланган давлатларда инновация фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантиришга йўналтирилган давлат инновация сиёсатини амалга оширади. Унинг асосини инновация фаолиятини янада фаоллаштириш, унга зарурий қулай шароитларни яратишга қаратилган. Мамлакатнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва жамият эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш мақсадида унинг натижаларидан кенг фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар ташкил этади ва бу уч босқичдан ташкил топган:

- инновация фаолиятини ривожлантиришнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш. Бу босқичда инновация бозоридаги янгиликлар ва ривожланиш йўналишлари, мамлакатнинг инновацион салоҳияти амалдаги ҳолати, инновация маҳсулотларига бўлган ва кучайиб бораётган талаблар, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси, инновация соҳасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш ҳолати ва имкониятлари ҳамда илмий-техникавий янгиликлардан фойдаланиш даражаси ва таъсири кабилар чуқур, комплекс таҳлил қилинади ва шу асосда концепция яратилади;


- инновация фаолиятини давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари аниқланади ва ишлаб чиқилади;

- инновацион фаолликни янада кучайтиришга қаратилган мақсадларнинг самарали амалга оширилиши бўйича амалий ҳаракатлар олиб борилади.

Инновацион сиёсат жорий ва узоқ муддатли сиёсатдан иборатдир. Инновация фаолиятининг ривожланишида уни маблағлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ривожланган давлат сифатида АҚШда мазкур жараёни таҳлил қилиш ва тўпланган тажрибаларни ўрганишни лозим, деб топдик. Жаҳонда инновацион фаолликни аниқловчи индекс² бўйича куйидаги маълумотлар таҳлил қилинганда, Швеция, АҚШ, Корея давлатларининг индекси юқори ўринларни эгаллаган.

¹ 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси

² European Innovation Scoreboard. Comparative analysis of innovation performance




1-расм. Инновацион фаолликни аниқловчи индекс кўрсаткичлари (2016 йил)

АҚШда барча ишланмалар ва янгиликларни молиялаштириш қуйидаги пропорцияда амалга оширилган: 35 %и – федерал бюджетдан (200 млрд. АҚШ доллари атрофида); 60 %и – ишлаб чиқариш компанияларининг ўз маблағлари ҳисобига; 5 %и – штатлар ҳукуматлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, коллежлар, университетлар ва хусусий фондлар маблағлари ҳисобига. АҚШда фундаментал тадқиқотларнинг аксарият қисмини университетлар олиб борадилар. Мазкур ишланмаларнинг устувор қисми грантлар тизими орқали федерал ҳукумат томонидан молиялаштирилади. АҚШда ижроия ҳоқимияти инновация фаолияти соҳасидаги миллий сиёсатни олиб борувчи ҳисобланади. Бунда федерал ҳукумат илмий ишланмаларни бошқаришнинг марказий аппаратиغا эга эмас ва мазкур фаолиятни кичик агентликлар ва компаниялар орқали амалга оширади. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) натижаларини тижоратлаштиришни хусусий компаниялар истеъмолчилар, университетлар ва ИТТКИнинг асосий инвестори сифатида давлат манфаатлари балансини таъминловчи АҚШ президенти фармонлари ва 20 дан ортиқ қонунлар тартибга солиб туради.

Инновация фаолиятини молиялаштиришнинг АҚШ тажрибаси шуни кўрсатадики, уни фақатгина 1/3 қисми давлат томонидан молиялаштирилади, энг асосий маблағларни етказиб берувчилар ишлаб чиқариш компаниялари, яъни тадбиркорлик субъектлари ҳисобланадилар. Бу шундан далолат берадики, энг аввало, АҚШда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, ривож ва ундан манфаатдорлик кўриш омиллари устунлиги ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши хусусий инвесторлар учун инновация фаолиятини молиялаштириш орқали юқори фойда олишга бўлган интилишни рағбатлантиради ва кучайтиради. Натижада, биз юқорида кўрганимиздек, инновация фаолиятини

молиялаштиришда ва ундаги янгилик ва ишланмаларни ўзлаштиришда асосий устунлик хусусий компаниялар ҳиссаси сақланиб қолади.

Инновациялар ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқликни куйидаги расмда кўришимиз мумкин (2-расм). Расмдан кўриниб турибдики, иқтисодиёти ривожланган давлатларда инновациялар ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқлик инновацион ривожланиш даражасига қараб ўзгариб туради. Бунда давлатларнинг инновацион ривожланганлиги ЯИМ ни ўсишига олиб келади.



2-расм. Инновациялар ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқлик

АҚШ давлати амалиёти кўрсатишича, инновация фаолиятини амалга ошириш куйидаги босқичларни ўзига жам этган инновация жараёнларига асосланади:

- назарий ва фундаментал тадқиқотлар;
- мақсадли тадқиқотлар;
- маркетинг;
- аниқ маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқиш;
- техник лойиха;
- бизнес-режалаштириш ва кўшимча маркетинг тадқиқотлари;
- инновация маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва техник қайта қуrolлантириш (агар зарур бўлса) ;
- янги бино ва иншоотларни қуриш (агар бу зарур бўлса) ;
- инновация (янги маҳсулот ва хизматлар) бозорида олдинга ҳаракатланиш учун сотиш дастурларини чиқариш;
- инновацияларни серияли тиражлар билан ишлаб чиқаришни бошлаш (янги маҳсулотни ишлаб чиқариш, янги хизматларни жойлаш ва ш.к.) ;
- сотиш хизматларини кўрсатишни энг камида бизнес-режадаги режалаштирилган ҳажмгача кенгайтириш;

➤ фойда капитализацияси (инновацион капитални яратишга сарфланган харажатларни қайтариб олиш, қоплаш).

Инновацион тадбиркорликнинг тижорат компаниялари томонидан амалга оширилиши ва молиялаштирилиши одатда, юқорида келтирилган 6-12 босқичларга тўғри келади. Бироқ, махсус инновацион компаниялар фаолияти 3-12 босқичларни қамраб олади. Бироқ, айрим ихтироларни амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи компания ва хусусий шахслар 3-5 босқичларни мустақил равишда амалга ошириш ва молиялаштиришга қодир эмаслар. Қолаверса, 3-босқичдан ўрин олган маркетинг тадқиқотлари инновация жараёнининг 4-11 босқичларида ҳам амалга оширилиши ва молиялаштирилиб борилиши табиий ҳоллиги бунга сабабдир.

Инновация жараёнининг 1-2 босқичлари ўта масъулиятли, амалга оширилиши узок вақтни талаб этувчи мазкур босқичларнинг якуний натижалари кам прогнозланиши, уларнинг амалга оширилишини молиялаштириш, кўп ҳолларда, хусусий бизнес учун имкониятдан юқори бўлиши сабабли мазкур босқичлар, одатда, давлат томонидан молиялаштирилади. Мазкур босқичларнинг амалга оширилишида давлатнинг иштирокининг муҳимлиги яна шу билан асосланадики, назарий тадқиқотлар босқичида ижобий натижалар олинган тақдирда ҳам маҳсулот бозор учун, яъни бозор талабига мос яратилмаган бўлиши каби катта рискка эга бўлиши мумкин. Тажриба кўрсатишича, назарий тадқиқотларнинг 90 %и натижасиз якунланади, қолган 10 % дан ҳам ҳаммаси истеъмол бозори учун мос бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли бу каби юқори риск даражасида ва кутилган натижани олишнинг кам прогнозли шароитида ўз капитали билан таваккалчиликка қўл урувчи хусусий компанияларнинг кўп топилиши жуда кам. Бироқ, назарий тадқиқотларни узлуксиз давом эттириш ва уларнинг натижалари мамлакатни ривожлантириш учун жуда муҳимдир. Шу сабабли иқтисодий таъсирнинг давлат аппарати фаолияти самарадорлиги мамлакатдаги сингари алоҳида тармоқ ва компанияларда ҳам инновация жараёни амалга оширилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Фундаментал тадқиқотлар натижалари, уларнинг халқ хўжалигига жорий этилиши ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, биринчи навбатда, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш даражасига боғлиқ.

АҚШда инновация фаолиятини молиялаштириш ва ривожлантиришда давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим йўналиши бўлиб, кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадда АҚШда ҳар йили давлат бюджетидан 5 млрд. АҚШ долларида зиёд маблағлар, хусусий сектор маблағлари ҳисобидан 1 млрд. АҚШ доллари атрофида маблағлар сарфланади³. Бунда кичик инновацион тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги шакллари катта устуворлик берилган:

- кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг махсус дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

³ <http://www.worldbank.org> маълумотлари асосида

- инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастури бўйича қарзлар ажратиш;

- давлат молиявий қўйилмалари;
- венчур фондлари ва уларнинг тармоқларини ташкил этиш;
- хусусий сектор маблағлари ҳисобига молиялаштириш ва бошқалар.

АҚШда инновацион тадбиркорликни ва у орқали инновация жараёнини ривожлантиришда муҳим ўрин тутувчи инновацион инфратузилмани шакллантириш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилади ва у қуйидагиларни ўз ичига қамраб олган:

- тегишли ҳуқуқий-меъёрий ва қонуний база;
- инновациялар таклифи ва уларга бўлган талаблар бозори;
- инновацияларни тижоратлаштириш ва инновацияларни жорий этишдан олинган фойдани капитализация қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар тармоқлари;
- информацион-воситачи (хизмат кўрсатувчи) ташкилотлар;
- янгиликларни жорий этиш бўйича экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи муассасалар;
- инновация жараёнлари иштирокчилари манфаатлари йўлида инженерлик, аудиторлик, бошқарув, координацион ва бошқа пуллик хизматларни амалга оширувчи муассасалар тармоғи.

Хориж давлатлари амалиётида инновация фаолиятини ривожлантиришда, нақадат, молиялаштириш, балки, инновация сиёсати самарали ижросини таъминлашда муҳим омил бўлиб келаётган турли йўналишдаги инновацион қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам тўлиқ тасдиқлайди:

1. Ҳукумат ташкилотлари мавзулари бўйича ИТТКИни амалга оширувчи кичик инновацион тадбиркорлик корхоналарини молиявий ва техник қўллаб-қувватлаш давлат дастурлари (АҚШ, Япония, Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлар сингари).

2. Харажатларнинг 50 %и янги маҳсулот ва технологияларни яратишга кетадиган бевосита молиялаштириш (субсидиялар, қарзлар) (Франция, АҚШ давлатлари каби).

3. Фоиз тўловларисиз ссудалар тақдим этиш (Швеция), янгиликларни жорий этиш харажатларининг 50 %ини қоплаш учун қайтарилмас тарзда бериладиган ссудалар (Германия).

4. Илмий-тадқиқот ишланмаларига мақсадли дотациялар (деярли барча ривожланган давлатларда).

5. Тижорат риски эҳтимоллигини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни жорий этиш фондларни яратиш (Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Нидерландияда ушбу амалиёт кенг қўлланилади).

6. Индивидуал ихтирочилар учун давлат божини пасайтириш ва уларга солиқ имтиёзларини тақдим этиш (Австрия, Германия, АҚШ, Япония ва б.), шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш ва суғурталаш учун ижтимоий инфратузилмани яратиш (Япония).

7. Индивидуал ихтирочиларнинг аризалари бўйича патентли ишончли вакиллар бепул хизматларини кўрсатиш, бож тўловларини озод қилиш (Нидерландия, Германия, Япония, Ҳиндистон).

8. Инновация соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналар учун солиққа тортиш режимини енгиллаштириш, шу жумладан, ИТТКИга қилинган харажатларни солиққа тортишдан озод қилиш, университетлар ва илмий-тадқиқот институтларини имтиёзли солиққа тортиш (АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой, Япония).

9. Интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини қонуний таъминлаш (барча ривожланган давлатларда).

10. Рискларни пасайтириш ва риск зарарларини қоплаш бўйича давлат дастурлари (АҚШ, Япония).

11. Кичик тадбиркорлик корхоналари кучи билан инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун ишлатиладиган венчур капитали фондларининг кенг тармоқларини ташкил этиш (барча ривожланган ва ривожланаётган давлатларда).

12. Илмий парклар, бизнес-инкубаторлар ва технологик ривожланиш ҳудудлари тармоқларини ташкил этиш (барча ривожланган ва ривожланаётган давлатларда).

13. Кичик инновацион тадбиркорлик корхоналарини ҳар томонлама илмий-техникавий, молиявий ва ишлаб чиқариш бўйича қўллаб-қувватлашни таъминловчи бақувват давлат муассасалари (АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлар).

14. Манфаатдор корхоналарга техник ечимларни ва мумкин бўлган ҳамкорларни тез топишга имкон берувчи прогрессив технологиялар ва инновацион ишланмалар бўйича махсус инфор­мацион-қидирув сайтлари. Япония давлатида инновация фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос амалиёти ва тажрибалари шаклланган. Мазкур давлатда ИТТКИлари амалга ошириш ва молиялаштиришга катта эътибор қаратилади. Жумладан, Япония ҳукумати мамлакатда бажариладиган ИТТКИ умумий ҳажмининг тахминан 25 %ини молиялаштиради. Бунда фуқаролик жамияти манфаатлари учун амалга ошириладиган тадқиқотлар устуворлик асосида молиялаштирилади. Фундаментал тадқиқотлар давлат томонидан биринчи ўринда молиялаштирилади. Инновацион тадбиркорликни давлат томонидан молиялаштиришнинг билвосита шакли устуворлик касб этган ҳолда ривожланди. ИТТКИ ишлари билан шуғулланувчи ва бевосита молиявий қўллаб-қувватлашни олган фирмалар фақат қисман давлат томонидан билвосита молиялаштирилган. Асосан, бундай фирмалар учун солиқ имтиёзлари кўзда тутилади. Бундан ташқари, янги технологик ечимлар ва маҳсулотлар яратишга шартномалар ва давлат буюртмалари орқали кичик инновацион тадбиркорликни ҳам давлат рағбатлантиради.

Инновация соҳасини ривожлантириш ва илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга бўлган кучли эътиборни қайси давлатда қанчалик юксаклиги ва аҳамиятини жаҳон инновация бозорида тутган ўрни ва эришган

кўрсаткичлари яққол тасдиқлайди. Жумладан, бугунги кунда жаҳон бозорида илмталаб маҳсулотлар ҳажми 2,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этиб, мазкур сумманинг 39 %ини АҚШ давлати маҳсулотлари, 30 %ини – Япония, 16 %ини – Германия давлати маҳсулотлари ташкил этиши, жаҳонда ривожланган 7 та давлат макротехнологиялари мазкур бозор ҳажмининг 80 %ини ташкил этиши⁴ ушбу фикримизни тасдиқлайди.

БМТ Ривожланиш Дастури лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2012-2020 йилларга инновацион ривожланиш Концепциясидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожланишини мувофиқлаштириш кўмитасида Фанлар Академияси, вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги, мамлакатнинг етакчи олим ва мутахассислари иштирокида 2012-2020 йилларда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиши белгилаб олинди.

Умуман олганда, инновация соҳасини ривожлантириш ва унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш ўз самарасини бераётганлигини бир қатор давлатлар тажрибаларидан кўрдик. Бу эса ҳар бир давлатнинг инновация соҳасини ривожлантириш ва илмталаб бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга бўлган қизиқишини янада кучайтирмоқда ва талабини оширмоқда.

Ўз навбатида, ривожланган давлатларнинг технологик ютуқларидан мунтазам фойдаланиш, бу соҳада аввало, МДХ мамлакатлари билан ҳамкорликни кучайтириб бориш, халқаро меҳнат тақсимоти ва кооперациясидан имкон қадар кенг фойдаланишга интилиш зарур. Бугунги кунда технологик жиҳатдан илғор мамлакатлар ягона технологик макон тузган бўлиб, мамлакатимиз унга тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиб кириши, айрим йўналишларда эса етакчилик учун курашиши лозим, бунинг учун эса миллий технологик даража етарлича юқори бўлишига эришиш зарур. Бу мамлакатимизда инновация соҳасини янада ривожлантириш ва уни молиялаштиришга бўлган талабни оширади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўзлаган нутқида: ”Иқтисодиёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш амалга оширилаётган ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларидир”⁵- деб таъкидлаб ўтган.

Инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда ривожланган саноатлашган мамлакатларда инвестиция сиёсатини амалга оширишда қуйидаги учта йўналишга алоҳида эътибор билан қаралади:

- импорт ўрнини босиш стратегиясини ривожлантириш;
- таянч тармоқлар ва экспорт салоҳиятининг мустаҳкамлаш;
- илмталаб соҳалар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш.

⁴ <http://www.worldbank.org> малумотлари асосида

⁵ БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи

Айниқса, эътиборли жиҳат Корея Республикасининг инвестиция стратегиясида намоён бўлади. Ушбу мамлакат хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишда шундай сиёсат олиб борганки, бунда Жанубий Кореяга бошқа ривожланган мамлакатлардан, хусусан АҚШ ва Япониядан инвестициялар жалб қилишда улардаги самарали менежмент услублари ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзига татбиқ қилишга интилан. Малайзиянинг инвестиция сиёсатида эса устувор жиҳат инвестицияларни қайта ишлаш саноатига йўналтириш бўлиб ҳисобланади⁶.

Ушбу мамлакатда инвестицияларни илмталаб ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, нанотехнологиялар, юқори малакали хизматлар каби соҳаларга йўналтирилмоқда. Хусусий секторнинг ўзида инвестицияларнинг йиллик ўртача ўсиши 11-12 фоизни ташкил этмоқда. Уларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги салмоғи 50 фоиздан ортиқ бўлиб, сўнгги беш йил мобайнида хусусий инвестицияларнинг умумий миқдори 95 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган⁷.

Бугунги кунда Республикамизда инновацион фаолиятни молиялаштириш куйидаги кўришга эга.

1-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, млрд.сўм (2010-2016 йиллар)

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	264,4	372,6	311,9	4634,2	3757,4	5528,3	2571,4
шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:							
ташкilotнинг ўз маблағлари	184,3	263,2	213,4	2501,5	1381,5	1251,8	1180,0
хорижий капитал	48,3	24,9	39,9	1228,7	32,3	156,6	314,9
тижорат банклари кредитлари	30,0	63,7	26,8	533,5	262,5	280,1	157,3
бошқа маблағлар	1,8	20,9	31,7	370,6	2081,0	3839,7	919,1

2010 йилда инновациялар асосан ташкilotнинг ўз маблағлари ҳисобидан (69,7 фоизи) молиялаштирилган. 2014 йиллардан бошқа маблағлар ҳиссаси

⁶ <http://www.ved.gov.ru/articles> сайти маълумотлари асосида

⁷ <http://www.worldbank.org> маълумотлари асосида

(55,4 фоиз) ошган. 2016 йилда ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2010 йилга нисбатан 6,4 баробар ошган.



3-расм. Инновацияларнинг молиялаштириш манбалари, %да⁸

2016 йилда технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатларнинг 45,9 фоизи (1180,0 млрд.сўм) ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 12,2 фоизи (314,9 млрд.сўм) хорижий капитал, 6,1 фоизи (157,3 млрд.сўм) тижорат банлари кредитлари, 35,7 фоизи (919,1 млрд.сўм) бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган. Ривожланган мамлакатларда инновация фаолиятида бой тажриба тўпланган бўлиб, ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Бу борада бир қатор ривожланган мамлакатларда инвестиция меъёрининг нисбатан юқори ва барқарор даражасига эришилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Айрим чет эл мамлакатларидаги инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини мамлакатимизга татбиқ қилиш муайян ижобий натижаларни бермасдан қолмайди. Айниқса, Корея Республикаси инвестиция сиёсатининг тажрибаси ўзининг аҳамиятлилиги билан ажралиб туради. Бу борада мамлакатимизда ҳам инвестиция сиёсатининг муҳим устуворликларидан бири айнан хорижий инвестицияларни жалб қилишда узоқ муддатли лойиҳалар асосида илғор техника ва технологиялар киритишга қаратилган. Шу билан бирга, инвестициялардан самарали фойдаланишда бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан танишганда, инвестициялар асосан илғор технологияларни жорий этиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, ресурс тежовчи ва экологик талофати кам бўлган, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи соҳаларга йўналтирилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий

⁸ <http://www.stat.uz>- сайти маълумотлари асосида

инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши келгусида Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. Т.: Маънавият нашриёти, 2017. 244 б.

3. Макконель К.Р, Брю С.А. Экономикс. М: 1997. т.1 -221 с.

4. Маршалл А. Принципы экономического развития. Пер. с.англ. – М.: “Прогресс”, 1993, -377 б.

5. «Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса». Отчет Международной Финансовой Корпорации по итогам 2013 г. - 21 с

6. <http://www.stat.uz/>

7. <http://www.unctad.org/>

8. <http://www.gov.org/>

9. <http://www.worldbank.org/>